



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2013 йил 18 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА


Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 188 (12.499)

Баҳоси эркин нарҳда

2013 йил –
Обод турмуш йили



**Синфдош дугонам
Ферузани учратиб қолдим.
Уч яшар ўғлини етаклаб, ўзи
яшайдиган маҳалладаги
оилавий поликлиникага
кетаётган экан.**

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Азиз Абдулҳасанов (ЎА) оилан сурати

ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИ ОМИЛИ

– Поликлиникадан телефон қилиб чақиришди, – деди дугонам. – Ўғлимизнинг тиббий кўриқдан ўтадиган вақти бўпти.

Бу бахтли болакайга, унга бўлган меҳр-эътиборга ҳавасим келди. Бизнинг болалигимизда шарт-шароит ҳам, инсонга, жумладан, болаларга муносабат ундош ва ғамхўрлик бундай эмасди. Поликлиникаларда кўли билан уч-тўрт мутахассис бўлар, улар ҳам беморнинг шикоятини эшитиб, дори ёзиб беришдан бошқани билмасди. Профилактика, тиббий кўрик, даволаш каби тиббий хизматлар ўлда-жўлда, беморга аниқ ташхис қилиш учун тиббий усуллар ҳам, эътибор ҳам йўқ эди.

Бундан йигирма уч йил олдин тишимни олдириш учун қанча овора бўлганимиз ҳеч ёдимдан чиқмайди. Дадам билан уйимиз яқинидаги поликлиникага борсак, стоматолог тиш олувчи асбоби йўқлигини, туман марказига борганимиз кераклигини айтди. У ёқда, ҳартугул, шифокорнинг зарур анжомлари – стол ва оғмур бор экан... Ўзбекистоннинг энг йирик шаҳари Тошкентда аҳвол шундай бўлган, чекка қишлоқлардаги вазият қандай бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Бугун катта-кичик шифо масканларидаги замонавий технологияларни, айниқса, стоматология хо-

наларидаги махсус кресло ва ускуналарни кўрганимда, шу воқеа ёдимга тушаверади. Тарихан қисқа вақт мобайнида мамлакатимиз тараққиёти, одамларнинг ҳаёти ва дунёқараши шунчалик илгарилар кетганидан қувонмай бўладими!

Бу Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқимизнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялашга қаратилаётган доимий эътибор самарасидир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида туб ислохотлар амалга оширилди. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, уларнинг вилоят ва туманлардаги бўлиmlари, шошилинч тиббий ёрдам хизматларидан иборат кенг қамровли тизим шакллантирилди. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ва малакали кадрлар билан таъминланган уч минг икки юздан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар ишлаб турибди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бирламчи тиббиёт муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, профилактика тадбир-

ларининг сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлаётди.

Буни пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманидаги 46-оилавий поликлиника фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Икки қаватли кўркам бинода жойлашган ушбу бирламчи тиббиёт муассасаси Самарқанд дарвоза, Новза, Олим Хўжаев, Зангиота ва Янгиобод маҳаллаларининг йигирма саккиз минг нафардан зиёд аҳолисига хизмат кўрсатмоқда.

Поликлиникада малакали кардиолог, эндокринолог, невропатолог, ортопед-травматолог, окулист, стоматолог шифокорлар, гинекология, физиотерапия, жарроҳлик, оқумли касалликларга қарши кураш, «Соғлом она – соғлом бола» ва ўсмирлар хоналари, клиника-биохимия лабораторияси фаолият юритмоқда. Шифо маскани сўнгги русумдаги ЭЭГ, ЭКГ ва ультратовуш аппаратлари, соғломлаштириш тренажёрлари билан жиҳозланган.

Рақамли флюорограф ускунаси аҳоли орасида сил ва онкологик касалликларни эрта аниқлаш имконини беради. Поликлиникадаги ҳар бир шифокор хонаси, рўйхатга олиш ва лаборатория хоналари замонавий компьютерлар билан таъминланган.

(Давоми 3-бетда)

**Яқинда Деҳлида
мамлакатимиз дипломатия
миссияси ва Ҳиндистон
Савдо-саноат палатаси
ҳамкорлигида Ўзбекистоннинг
иқтисодий ва сармоявий
салоҳияти мавзусига
бағишланган тақдимот
маросими бўлиб ўтди.**

ҲИНДИСТОНДА ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

Тадбир иштирокчилари республикамизнинг иқтисодий тараққиёт йўлида қўлга киритган муваффақиятлари, мамлакатимизда қўлай сармоявий муҳитни яратиш ва ишбилармонлик фаолиятини яхшилашга қаратилган давлат дастурлари билан яқиндан танишдилар.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳамда «Ангрен» ва «Жиззах» махсус индустриал зоналарида хорижий инвесторлар ўз фаолиятини йўлга қўйиши учун яратилган имтиёз ҳамда қўлайликлар тўғрисидаги ахборотлар ҳинд тадбиркорларида катта қизиқиш уйғотди.

Ҳиндистон томони вакиллари, шу жумладан, Савдо ва саноат вазирлигининг бошқарма бошлиғи Р.Капур, Савдо-саноат палатаси ижрочи директори С.Санял, «Punji Lloyd Ltd» компанияси ижрочи директори А.Гупта, «Kalra Tagu» компанияси вице-президенти, «Allanasons Ltd» компанияси менежери К.Каушал ва бошқалар тадбиркорлик фаолиятининг турли соҳаларида Ўзбекистон – Ҳиндистон қўшма лойиҳаларининг муваффақиятли амалга оширилаётганига алоҳида эътибор қаратар экан, Ўзбекистоннинг замонавий иқтисодий тараққиётига ижобий баҳо бердилар.

Бўлиб ўтган тақдимот ҳиндистонлик тадбиркорларда ўзбекистонлик ҳамкорлар билан сармоявий ва савдо алоқаларини кенгайтиришга катта қизиқиш мавжудлигини кўрсатди. Шу боис тадбир чоғида ўзаро ҳамкорликда амалга ошириш учун таклиф этиладиган лойиҳаларга доир батафсил маълумотлар шериклик алоқаларини ўрнатиш ва кенгайтиришдан манфаатдор бўлган иштирокчиларнинг эътиборига ҳавола қилинди.

«Жаҳон» АА
Деҳли

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК КЎЗГУСИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан мамлакатимизда иккиламчи фонд бозорини ривожлантириш, тадбиркорлар ва аҳолининг биржа операцияларида фаол иштирокини таъминлаш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

– Бозор иқтисодиёти шароитида жамиятдаги иқтисодий алоқаларнинг ривожланишида қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори муҳим ўрин тутишини инобатга олсак, сўнгги ўн йилликда биржа битимлари ҳажмининг сезиларли даражада ошганини кўраемиз, – дейди «Тошкент» Республика фонд биржасининг ахборот-таҳлил маркази раҳбари Нодир Қорабоев. – Масалан, 2012 йилда биржа битимлари ҳажми 171 миллиард сўмдан зиёд бўлди. Бу 2002 йилдагидан 10 баравар кўпдир.

Тадбиркорлар ва аҳолининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаол иштирокини таъминлаш учун қатор имтиёзлар яратилган. Хусусан, брокерлик (воситачилик) фаолиятини амалга оши-

рувчи микрофирма ва кичик корхоналар ялпи даромадидан 10 фоиз ягона солиқ тўласа, ўз дивидендини акция тараққида олиб, уни кўпайтирган акциядор ушбу даромаддан солиқ тўламайди. Бунинг ҳисобига тежаладиган маблағ бозорни янада ривожлантиришга йўналтирилади.

Аҳолининг ҳуқуқий-иқтисодий хабардорлигини ошириш, савдоларни очиқ-ошқора ўтказиш мақсадида қўмитанинг расмий www.gki.uz сайти фаолият кўрсатмоқда.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

ҚИСКА САТРАПДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Юнусобод туманидаги 31-Меҳрибонлик уйида

«Ким эпчилу ким чаққон» спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Шайхонтохур туман ҳокимлигида «Зулфия-

хоним қизлари» кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Яккасарой

туманидаги 58-оилавий поликлиникада «Она ва бола саломатлиги йўлида» мавзусида тадбир уюштирилади.



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, фуқароларнинг экологик маданиятини юксалтириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Экологик ҳаракати Андижон вилоят ҳудудий бўлини маси томонидан ташкил этилган давра суҳбатиди Экоҳаракат фаоллари, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва ёшлар иштирок этди.

● Нукус шаҳрида «Алоқабанк» очик акциядорлик тижорат банки Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

● Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги «Нуристон» академик лицейида Гёте институтининг PASCH – «Мактаблар: келажак ҳамкорлари» лойиҳаси доирасида ўқув маркази очилди. Марказда таълим оладиган ўқувчилар келажакда Германия ва бошқа ривожланган мамлакатлардаги мактаблар билан ўзаро муносабат ўрнатиш, Ўзбекистон ва Германияда немис тили бўйича малака ошириш имкониятига эга бўлади.

● Жиззах вилоятининг Фаллаорол туманидаги «Ўғбдин» қишлоқ врачлик пункти янги бинода иш бошлади. Қурилиш қиймати 254 миллион сўм бўлган янги бионинг лаборатория, муолажа хоналари энг замонавий тиббий аппарат ва анжомлар билан жиҳозланган.

● Навоий вилояти адлия бошқармасида обод турмушнинг шаклланишида миллий ва маънавий қадриятларнинг ўрни мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Вилоят ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси ва қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари, миллий маданий марказлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда вилоятдаги миллий маданий марказлар фаолиятини такомиллаштириш, қадрият ва анъаналарни тарғиб этишда ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар хусусида сўз юритилди.

ЖАҲОНДА

● Нью-Йоркда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг янги сессияси бошланди. Антигуа ва Барбуданинг Бутунжаҳон ташкилотидаги собик доимий вакили Жон Уильям Эш Бош Ассамблеянинг янги раиси этиб сайланди. У ўз вазифасини бажаришга киришар экан, қашшоқликни бартараф этиш ва барқарор ривожланиш масалаларига биринчи даражали эътибор қаратишини таъкидлаб ўтди.

● Австралиянинг янги бош вазир Тони Эббот қасамёд қабул қилиб, расман вазифасини бажаришга киришди ҳамда ўзи бошқарадиган ҳукумат таркибини эълон қилди.

● Буюк Британия шахзодаси Гарри Жанубий Кутбга сафар олди билан биргаликда улкан совутигичда 20 соат давомида ўз иродасини синаб кўрди.

● Мексикада рўй берган «Мануэль» тўфони ва «Ингрид» бўрони талафотлари ортиб бормоқда. Жумладан, ушбу табиий офатлар туфайли ҳозиргача 60 киши ҳаётдан кўз юмган, 25 нафар одам бедарак йўқолган. Мамлакатнинг Герреро, Веракруз, Идальго, Оахака ва Пуэбла штатлари айниқса жиддий зарар кўрган. Таъкидлаш жоизки, Мексика тарихида бир вақтнинг ўзида ҳам тўфон, ҳам бўроннинг хуруж қилиши кейинги 55 йилдан буён илк бор юз бермоқда.

Фармон ва ижро

СУД КАДРЛАРИ
ТАЙЁРЛАШНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизни демократлаштириш ва либераллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотлар жараёнида миллий қонунчилик ва суд-ҳуқуқ тизими замон талаблари ва халқаро андозаларга мувофиқ такомиллаштирилмоқда. Соҳанинг малакали кадрлар билан таъминланаётгани инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда.

Бунда давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 2 августда қабул қилинган «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари муҳим омил бўлмоқда. Мазкур ҳужжатларда замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, ҳорижий тажрибани ўрганиш бўйича ҳам муҳим вазифалар белгиланган.

Пойтахтимизда «Суд тизими кадрларини тайёрлаш ва суд этикасига оид халқаро стандартлар» мавзусида ўтказилган халқаро семинарда шу ҳақда сўз юритилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази томонидан ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ва «Минтақавий мулоқот» халқаро ташкилоти (Словения) билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази директори А.А.Фаров ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади.

Ўзбекистонда суд кадрлари тайёрлаш ва суд этикасининг қонунчилик асослари тобора мустақамланмоқда. Судьяларнинг малакасини ошириб боришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Зеро, судьянинг юқори малакага эга бўлиши, ўз касбий мажбуриятларини адолатли ва виждонан

бажариши инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш, жамиятда адолат барқарорлигини мустақамлашга хизмат қилади.

Жорий йилда мамлакатимизда қабул қилинган Судьяларнинг одоб-ахлоқ қоидаларида ҳам ана шундай талаблар ўрин олган бўлиб, судьялар учун хизмат ва зифаларини бажараётганда ва хизматдан ташқари пайтда амал қилиши зарур бўлган мажбурий қоидалар аниқ баён этилган. Мутахассисларнинг фикрига кўра, мазкур ҳужжат суд ҳокимиятининг мустақамлашишига ва судьяларнинг мустақиллигини таъминлашга, мазкур касб эгаларининг нуфузини кўтаришга хизмат қилади.

— Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни жамият барқарорлиги, мамлакат тараққиётининг муҳим омилларидандир, — дейди АҚШнинг Массачусетс штатидан Олий суд судьяси Роберт Корди. — Ўзбекистондаги тинч-осойишта ҳаёт, амалга оширилаётган улкан ишлар бунинг амалдаги тасдиғидир. Айниқса, суд-ҳуқуқ соҳасида жуда қисқа муддатда ғоят улкан ижобий ўзгаришлар бажарилиди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси масъуладор ҳодимлари, Бош прокурор Олий ўқув курслари, Юристар малакасини ошириш маркази тингловчилари ҳамда олимлар иштирок этган тадбирда миллий ва ҳорижий тажрибанинг илгор тенденциялари билан бир қаторда янада такомиллаштириш зарур бўлган жиҳатлар хусусида атрофлича фикр алмашилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

Президентимиз Ислам Каримов 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунилари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида «электрон ҳукумат» тизимини шакллантириш, жумладан, бизнес соҳаси ва фуқароларга интерфаол давлат хизматлари кўрсатиш жараёнини такомиллаштириш муҳимлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Ушбу муҳим вазифалар ҳисобга олинган ҳолда, давлат органлари, фуқаролар ва ташкилотларга ахборот жамияти шaroитида фаолият кўрсатиш имконини берадиган меъёрий-ҳуқуқий ва услулий база ишлаб чиқилмоқда. Бу борада жорий этилаётган ахборот хизматлари бўйича ягона стандартлар ресурслар, маълумотлар базаси ва ахборот тизимлари хафсизлигини таъминлайди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 27 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори билан тасдиқланган 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастури «электрон ҳукумат» тизимини шакллантириш ва кенг қўллашга қаратилган муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлди. Дастур аҳолининг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатини электрон шаклда амалга оширишни таъминлаш, давлат бошқаруви тизимида «ягона ойна» принципини жорий этиш каби вазифаларни ҳал этишни ўз ичига олади. Шунингдек, ушбу ҳужжатда ахборот тизимлари комплекси ва «электрон ҳукумат» тизимининг маълумотлар базасини яратишга доир тадбирлар белгиланган.

Мазкур дастурни қабул қилишдан қўзланган мақсад замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш ва иқтисодиётимизнинг барча соҳаларига кенг татбиқ этиш, ахборот ресурслари, тизим ва тармоқларини жадал ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳолига кўрсатилаётган интерфаол давлат хизматлари турларини кенгайтириш ва яхшилашни рағбатлантиришдан иборат.

Дастурда қўзда тутилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши кўрсатилаётган хизматларнинг керакли сифат даражасини таъминлаш ва интерфаол хизматларни ривожлантириш йўлида қўлай шaroит яратиш учун ахборот-коммуникация ҳамда телекоммуникация технологияларининг замонавий юқори технологияли инфратузилмасини яратиш имконини беради.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил сентябрь ойида Корея Республикасига давлат ташрифи давомида ахборот-лаштириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ўзаро англашув меморандуми имзоланган эди. Ушбу меморандум айти пайтда тўлиқ амалга оширилмоқда.

Корея Республикаси «электрон ҳукумат»ни жорий этиш соҳасида БМТ томонидан ҳар икки йилда тузилладиган жаҳон рейтингига етакчилардан биридир. Қирқ йил муқаддам ушбу мамлакат тегшли лойиҳалар билан бир қаторда маълумий ислохотларни амалга оширган ва давлат бошқаруви модернизация қилган. Бу «электрон ҳукумат» тизимининг самарали ишлаши кафолатига айланди. Айти пайтда Корея Республикасида «ақли ҳукумат» стратегияси амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раисининг ўрин-

босари, АКТ бўйича маслаҳатчи Ким Нам Соқнинг қайд этишича, Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришда салмоқли тоқималарга эришмоқда. Барча давлат органлари «электрон ҳукумат»ни жорий этиш муҳимлигини эътироф этаётгани катта ютуқдир. Давлат хизматларини онлайн режимида ўтказиш фуқароларнинг ушбу хизматдан фойдаланишнинг енгиллаштириш билан бирга, вақт ва маблағни тежаш имконини беради. Маълумий нукта назардан эса «электрон ҳукумат» қарор қабул қилиш жараёнини тезлаштириб, давлат аппарати фаолияти самарадорлигини оширади.

ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ:
ОЧИҚ-ОШКОРАЛИК ВА
ИШОНЧЛИЛИК

Айти пайтда давлат ҳокимияти органлари веб-сайтлар ва Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали (www.gov.uz) орқали турт юздан зиёд интерфаол давлат хизмати кўрсатилаётди. Интернет тармоғида www.gov.uz манзили бўйича «ягона ойна» режимида Ягона интерфаол давлат хизматлари порталининг ишга туширилиши бу борадаги ишларнинг мантқий давоми бўлди. Портал давлатимиз раҳбарининг шу йил 14 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Обод турмуш йили» Давлат дастури ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрда қабул қилинган «Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ташкил қилинган.

Ҳозирча ягона портал орқали қарийб олтиш хизматдан фойдаланиш мумкин. Улар орасида автоматик режимида кўрсатиладиган хизматлар ҳам бор. Масалан, «Юридик ва жисмоний шахсларнинг стационар телефон алоқаси ва интернет хизматларига улашиш учун ариза қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва қўриб чиқиш», «Давлат солиқ хизмати органидан солиқ бўйича қарздорлик йўқлиги тўғрисида маълумотнома олиш учун ариза қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва қўриб чиқиш», «Телекоммуникациялар соҳасида лицензия олиш учун ариза қабул қилиш» ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, тадбиркорлар учун турли соҳаларга оид рухсат берувчи ҳужжат олиш учун ариза жўнатиш имконини берадиган хизматлар ҳам ишлаб чиқилди.

Порталда муҳожатларни қўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратилган. Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари портал орқали давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда жойлардаги давлат ҳокимияти органлари муҳожат қилиши мумкин. Шу билан бирга, бу ерда янги автомат режимида кўрсатиладиган ахборот-маълумотнома хизматидан фойдаланиш имконияти ҳам маъ-

жуд. Давлат органларининг фойдаланувчилар томонидан жўнатишган ариза ва муҳожатларни қўриб чиқиш ҳолати тўғрисидаги ахборот билан танишиш имконини берадиган «Статистика» модули алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

Яқинда порталга барча вилоятлар туман ва шаҳарлари, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳокимликлари уланди. Энди фуқаролар ўзи яшаб турган жойидаги давлат органларига муҳожат қилиши мумкин ва бу бевосита жойларда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни тез ва самарали ҳал этишга ёрдам беради. Бунга вилоят ҳокимликлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан компьютерлаштириш марказлари билан ҳамкорликда туман раҳбарларини «электрон ҳукумат» тизимига жалб этиш бўйича ўтказилаётган ташкилий тадбирлар туфайли эришилди.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасидан маълум қилишларича, www.gov.uz ягона портали интернет тармоғида икки ойдан буён фаолият кўрсатмоқда. Мана шу қисқа вақт ичида сайт орқали давлат органларига жўнатишган муҳожатлар сони 900 дан ошди ва уларнинг 70 фоизи қўриб чиқилиб, фуқаролар тегшли жавоб олди. Порталдан жисмоний шахслар фаол фойдаланмоқда. Негаки, муҳожатларнинг 98 фоизи айнан жисмоний шахслардан келиб тушган. Утган давр мобайнида фуқароларнинг аксарият муҳожатлари Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси каби ташкилотларга юборилган.


Ягона портал мунтазам такомиллаштирилмоқда: унга янги ташкилотлар уланмоқда, қўшимча имконият ва сервислар ишлаб чиқилаётди, портал орқали ишлаш сифати ва даражаси ошмоқда. Давлат органларининг масъул шахслари билан портал модулидан самарали фойдаланишга доир ишлар мунтазам амалга оширилмоқда, ўқув-машгулотлари ва семинарлар ўтказилмоқда.

Масалан, самарали алоқани йўлга қўйиш ва давлат органларининг муҳожатлар билан ишлаши ҳақида фуқаролар фикрини ҳисобга олиш мақсадида порталда «Баҳолаш» хизмати ёрдамида қайтарилган жавобга шарҳ бериш имконияти мавжуд. Бу тизим давлат органларининг фуқаролар муҳожатлари билан муқаммал ишлаш сифатини оширишга қўмаклашади.

Бугунги кунда Ягона интерфаол давлат хизматлари портали «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси томонидан тақдим этиладиган телекоммуникация хизматлари учун тўловларни онлайн пластик картчаларидан фойдаланган ҳолда сўмда онлайн режимида тўлаш имконини беради. Яқинда «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси хизматлари учун тўловларни ҳам реал вақт режимида тўлаш хизмати пайдо бўлади. Бундан ташқари, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси мутахассислари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, бошқа вазирилик ва идоралар билан ҳамкорликда давлат божлари ҳамда бошқа йиғимларни онлайн-тўлов режимида амалга ошириш масаласини қўриб чиқмоқда.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда АКТ соҳасида узок муддатли истиқболга мўлжалланган режалар кўп. «Электрон ҳукумат» тизимига тўлиқ ўтиш ҳам шулар жумласидандир. Бу борада қўрилаётган чоралар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очик-ошқоралиги ва ишончлигини таъминлаш, уларнинг аҳоли билан ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини оширишга қўмаклашади.

Халқимизда азалдан ободлик, фаровонлик, шаҳарсозлик анъаналари кенг ривожланган. Биргина Амир Темури даврида қурилган маҳобатли бинолар, дунёга донг кетган боғлар бунинг тасдиғидир. Мустақиллик йилларида эса бу анъана янада тақомиллини топди, ҳурлик ва ободлик фалсафаси билан йўғрилди. Мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимиз бўйлаб барпо этилаётган кенг бунёдкорлик ишлари, халқимиз шууридаги яратувчанлик кайфиятига бугун дунё ҳавас билан боқмоқда.

ЛАНДШАФТ ДИЗАЙНИ
ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Айниқса, ҳудудларимизнинг тупроқ-иклим шaroитига мос тарзда замонавий қиёфа касб этишига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу жараёнда юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига ҳамроҳанг тарзда замонавий қиёфа касб этаётган ландшафт дизайни ҳам қўнанд-қўнға ривожланиб бораётди.

Кўча ва хиёбонлар, сайилгоҳу маҳобатли иншоотлар, қолаверса уйлар атрофидаги ландшафт дизайнининг ўзига хос гўзал манзаралари каттаю кичикка бирдек хуш кайфият, эстетик завқ бағишлайди. Албатта, шиддат билан ривожланаётган замонда одамлар онгу шуурида ҳам муттасил ўсиш-ўзгаришлар юз беради. Инсон борки, янада яхши яшашга, завқли ҳаёт кечиришга интилади. Эътибор берадиган бўлсак, қўнчилик ҳовлисида турфа хил гуллар экади, тартиб билан қўнчатилади, бежирим йўлаклар ҳосил қилади. Беҳиётиёр буларни кўрган кишининг баҳри дили очилади.

Табииийки, авваллари бу жиҳатларга унчалик ҳам эътибор берилмасди. Бугунги кунда эса таъминла бошқаруви, нагаки, турмуш тарзимиз тобора яхшилашиб борапти. Дунёда бўлаётган воқеликлар, ўзгаришлардан бохабармиз. Замонавийлик ва миллийлик уйғунлашган ҳолда шаҳару кишлоқларимиз қўнанд-қўнға чирой очиб бормоқда. Бу жараёнда оддий кўкаламзорлаштириш ёки ободонлаштиришдан фарқли ўларок, юқори

«Интерьер дизайни» йўналишлари бўйича талабалар қабул қилиш, «Ландшафт дизайни» ва «Интерьер дизайни» таълим йўналишлари бўйича давлат таълим стандартлари ҳамда ўқув режаларини ишлаб чиқиш каби қатор чора-тадбирлар белгиланган. Бундан қўнчиладики, эндиликда мазкур соҳа бўйича юртимизда аниқ чора-тадбирлар асосида янада кенг қўламли ишлар олиб борилади.

— Ландшафт дизайни бўйича мутахассис нафақат дизайн-и, эстетикани, балки у борбондан фарқли ўларок, ҳудуд тупроқ шaroитини, ўсимлик ҳолатини яхши билиши ва энг муҳими, ишга ижодий ёндашиши зарур, — дейди Тошкент архитектура-қурилиш институти профессори Людмила Адилова. — Тарихий тахрибаларга таяниш, ҳар бир детални моҳиятан чуқур ўйлаб жойлаштириш, иқлим шaroитни ҳисобга олиш муҳим. Ана шунда қўзланган натижага эришилади.

Дарҳақиқат, халқимиз фаровонлиги, турмуш шaroитини янада яхшилаш йўлида мамлакат микёсида олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг янада фойдали, шуқуқли бўлишида ландшафт дизайни соҳасининг ўзига хос ўрни бор. Шу боис, соҳа ривожини, бу борада олиб борилаётган кенг қамровли ишлар халқимиз яратувчанлик кайфиятига, юртимиз кўрқига кўрқ бағишлаши шубҳасиз.

Раимқул СУЯРОВ,
«Туркистон-пресс»

Мурувват

ХАЙРИЯ
ЖАМҒАРМАСИНИНГ
ХАЙРЛИ ТАДБИРЛАРИ

«Меҳр нури» жамғармаси нодавлат нотижорат хайрия ташкилоти бўлиб, раҳм-шафқат, саховат, ҳамфикрлилик ва маънавий бирдамлик асосида фаолият олиб боради.

«Савоб ишни ҳар куни қилиш керак» — бу ҳикмат «Меҳр нури» хайрия жамғармасининг бош шиори ва фаолиятининг асосий мезонига айланиб улгурган. 2004 йилнинг июль ойида ташкил этилган мазкур жамғарманинг устувор мақсадлари ижтимоий ҳимоя дастурларини ўтказиш орқали мамлакатимизда хайрия фаолиятини амалга ошириш ва ривожлантириш ҳамда ёшларни қўллаб-қувватлашдан иборат. Унинг асосий вазифаларини эса кўп болали ва кам таъминланган оилаларни моддий ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, соғлиқни сақлаш, умумтаълим, ёш авлод тарбияси масалалари билан шугулланувчи бошқа ижтимоий муассасаларга ҳомийлик ёрдами кўрсатиш, кичик ва хусусий бизнесни, аёллар тадбиркорлигини янада ривожлантириш ташкил қилади.

Таъкидлаш жоизки, жамғарма томонидан ижтимоий ҳимоя, ҳомийлик ёрдами, иқтидорли, истеъдодли ёшларни, оилавий тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш каби йўналишларда қатор савобли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, ҳомийлик ёрдами йўналишида ташкил этилган ҳамда ўтказилаётган тадбирлар натижасида касалхоналарни зарурий тиббий ускуналар билан таъминлаш, Меҳрибонлик уйлари, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар ва Қариялар уйлари тақомиллаштириш, қайта таъмирлаш каби хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Йўналиш доирасида «Ўзбекистонда хайрия ишлари: анъаналар, салоҳият ва истиқболлар» номили форум юртимиз бўйлаб ижтимоий объектларни таъмирлаш ишлари жараёни билан бир қаторда ташкил этилди. Тадбир давомида кишлоқ жойлардаги биринчи тиббий ёрдам пунктларига саккизта махсус «УАЗ» русумли автомобиллар топширилди.

Таълим, тиббиёт, маданият ва маънавий соҳалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ушбу йўналишда қўзланган мақсаднинг асосини ташкил этади. Шунингдек, миллий қадриятлар ва маданий меросни асраб-авайлаш, уларни ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, жамғарма томонидан ижтимоий аҳамиятга эга объектлар, жумладан, умумтаълим ва тиббиёт муассасаларини қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилди.

Ижтимоий ҳимоя йўналишида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмига, кам таъминланган оилаларга моддий ва молиявий қўмак кўрсатишга қаратилган бир қатор хайрия лойиҳалари яратилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Шунингдек, уларга кундалик эҳтиёж маҳсулотлари қўринишидаги хайрия қўмагини кўрсатади.

Жамғарманинг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш йўналиши ёш истеъдод эгаларининг ижодий интилишлари ва орзу-умидларини рағбатлантириш орқали уларнинг салоҳиятини юзага чиқариш, бу борадаги устувор вазифаларни аниқлаб олиш, замонавий ишбилармонлик муҳитига мослаштириш ишлари, талаб ва тақлиф бозорида ўз тараққиёт йўлини белгилаб олишларида қўмаклашиш сингари мақсадларини ўз ичига олади. Мазкур йўналишдаги йирик ва муҳим лойиҳалар сирасига «Таълим грантлари дастури» ва «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури»ни киритиш мумкин.

Кичик ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш учун қўлай шарт-шaroитлар яратиш, унинг субъектларининг мамлакатимиз иқтисодиёти тараққиётига қўшамак ҳиссасини ошириш, мақсадли лойиҳалар ўтказиш орқали тадбиркор ва фермерларни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва касбий тайёргарлик даражасини ошириш, оилавий тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш ҳам жамғарманинг ўз олдига қўйган мақсадлари сирасига киради.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
ЎЗДЖТУ Халқаро журналистика
факультети талабаси
Озода РЎЗИКУЛОВА,
иқтисодиёт касб-хунар коллежи талабаси

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлоднинг замонавий билим ва хорижий тилларни пухта эгаллаши, юксак ижодий-интеллектуал салоҳиятга эга, рақобатбардош мутахассислар бўлиб вояга етишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим омил бўлаётир.

Бу жараёнда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда таълим муассасаларини хорижий тиллар бўйича дарсликлар ва ўқув-услубий мажмуалар билан таъминлаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Агентлик тизимидаги «Ўзбекистон», «Ўқитувчи», Гафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари томонидан 1-синф учун чет тили дарсликлари нашрга тайёрланиб, чоп этилди ва умумтаълим мактабларига етказилди. Мазкур нашрларнинг умумий адади 537 786 нусхани (20 000 нусха ўқув-услубий кўлланма DVD дисклари билан) ташкил этади. Бундан ташқари, «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида 1-синфлар учун инглиз тилидан «Kids' English» (Болалар учун инглиз тили) дарслиги, ўқитувчилар учун услубий кўлланма 446 084 нусхада, рус тилида 59 974 нусхада чоп этилди. Шу кунларда агентлик тизимидаги корхоналарда умумтаълим мактабларининг 2-4-синфлари учун янги дарсликлар чоп этиш борасида қизғин иш олиб борилмоқда.

Дарсликларни яратиш жараёнида таълим тизимининг ҳар бир бўғини — умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими учун дарсликлар ва ўқув-услубий кўлланмалар тайёрлашда асосий эътибор чет тилларни ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан ўйин тарзида ва озғак нутқ дарслири шаклида, энг илгор педагогик технология ва услублар асосида яратилмоқда. Иккинчи синфдан эса алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштиришдан бошлангич эътибор берилмоқда. Ўқув-услубий мажмуа —

дарслик, мультимедиа (DVD-диск), ўқитувчи учун услубий кўлланмадан иборат. Улар яхлит ҳолда мактабга энди қадам қўйган болаларнинг чет тилида илк сабоқ олишига ёрдам берадиган қизиқарли ўйинлар, кичиктойлар тафаккури, хотирада сақлаш қобилиятини мустаҳкамлайдиган машқлар, шеър ва кўшиқлардан таркиб толган.

— Жорий йилда 1-синф ўқувчилари учун француз тилидан сабоқ берувчи

Айни пайтда «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйида 6-синфлар учун «Fly High» инглиз тили ва «Assalom Deutch» немис тили дарслиги бугунги кун талаби асосида тайёрланди. Ушбу нашриёт-матбаа ижодий уйининг умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун мўлжалланган қатор инглизча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча лугатлар, расмий лугатларни чоп этгани ҳам эътиборга мо-

УЛКАН ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИКНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

«Hirondelle» дарслиги, ўқитувчилар учун шу номдаги ўқув-услубий кўлланма чоп этилиб, таълим мактабларига тарқатилди, — дейди «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири Покиза Аъзамова. — Дарсликни яратишда миллий қадриятларимиз, маънавиятимизга таянган ҳолда ёндашилиб, ранг-баранг ва қизиқарли расмлар, ўқувчини фикрлашга ўргатувчи матнлар билан бойитилди. Китобдаги суратлар ҳам, илгари сурилган мавзулар ҳам ёш авлодни Ватанга муҳаббат, катталарга ҳурмат, меҳнатсеварлик, ҳалоллик каби эзгу ғоялар асосида тарбиялашга хизмат қилади. Дарсликда ота-оналар учун ҳам махсус тавсиялар келтирилганки, улар ёрдамида ўқувчи уйда ҳам оила аъзолари кўмағида хорижий тилни ўрганиши мумкин.

Шу кунларда 80 минг сўздан иборат инглизча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча лугат нашрга тайёрланмоқда. — Чет тилларни ўрганиш бўйича чоп этилган дарслик ва ўқув адабиётлар бой мазмуни, юқори полиграфик сифати ва дизайннинг пухталиги билан бизга айниқса маъқул бўлди, — дейди ЎЗА муҳбирига Тошкент шаҳри Чилон-ро туманидаги 178-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси, «2012 йилнинг энг яхши инглиз тили фани ўқитувчиси» республика кўрик-танлови ғолиби Нигора Убайдуллаева. — Айни пайтда ўқитувчилар учун яратилган услубий кўлланмалар дарс машғулотларини янада қизиқарли ўтиш, ўқувчиларнинг мавзуга оид маълумотларни ўзлаштириши, тафаккурини юксалтиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Назкат УСМОНОВА

Шаҳримиздаги 1-сон никоҳ уйида Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 40 ва 50 йил биргаликда тинч-тотув ҳаёт кечирган намунали оилаларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

ОИЛАЛАР МУСТАҲКАМЛИГИ БАРДАВОМ БЎЛСИН

Ҳокимликлар, маҳалла фаоллари, таълим муассасалари вакиллари ва ёшлар иштирок этган тадбирда шаҳримизнинг барча туманларидан ташриф буюрган кўпни кўрган, ҳаётнинг оғир-енглигини тортган нуруний отахон-онахонларимиз — бахтли жуфтликлар ўз ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашишди. Шу билан бирга улар бугунги кунда мамлакатимизда оилалар мустаҳкамлиги, баркамол авлодни вояга етказиш борасида олиб борилаётган ижобий ишлар, яратилаётган шарт-шароитларни ёшлар қадрлашлари лозимлигини таъкидлаб ўтишди. Юртимизда 12 йиллик мажбурий таълимнинг йўлга қўйилиши билан ёшларнинг бирон-бир касбга йўналтирилаёт-

гани қувонарли ҳолдир. Касб эгаси бўлган киши эса жамият таянчига айланади, турмуш фаровонлигини таъминлайди.

Олтин тўйларини нишонлаган оилалар орасида турли миллат вакиллари ҳам бўлиб, улар мамлакатимиздаги оламшумул ўзгаришлар, ўзбек халқининг бағрикенглиги, ўзига хос урф-одати, анъаналари, миллатлараро тотувлик натижасида шундай ҳавас қилгудек умргузаронлик қилишгаётганини таъкидлашди.

ФХДЕ органлари томонидан уларга эсдалик совғалари топширилди. Иқтидорли санъаткорлар ижро этган жозибали куй-кўшиқлар йиғилганларга манзур бўлди.

Зарина РУСТАМОВА



Талабаликка бағишлов

ИБН СИНО АВЛОДЛАРИ

«Туркистон» саройида Тошкент Тиббиёт академияси ҳамда Ибн Сино жамоат фонди ҳамкорлигида «Биз Ибн Сино издошларимиз» мавзусидаги тадбир ташкил қилинди.

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур тадбирда академиянинг профессор-ўқитувчилари, тиббиёт ходимлари ва талабалар иштирок этдилар.

Тадбир ўн дақиқали видеофильм билан бошланиб, унда Тиббиёт академияси талабаси бўлиш шарафига мўясар бўлган талабаларга аллома Ибн Сино ўз «Тибб конунлари»ни, Гиппократ ўз «Қасамёди»ни ва бошқалар ўз рамзий белгиларини актиёрлар сиймосида топширилди.

Тиббиёт академияси ректори, академик Ш.Каримов сўзга чиқиб, биринчи босқичга қабул қилинган талабаларни табриклаб, келажақда билимдон, ишга масъулият билан ёндашадиган шифокорлар бўлиб етишишларида тинмай ўқиш, изланиш, ўз устида муттасил ишлаш кераклигини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиқларидан ташриф буюрган мутасадди ходимлар ҳам сўзга чиқиб, ёшларни талабалikka қабул қилинган билан қўтлаб, келажақдаги ўқишларига зафарлар тиладилар.

Шундан сўнг талабалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида «Ўзбекистон талабаси ваъдаси»ни ўқидилар. Бунда улар Абу Али ибн Сино бобомизга ва у сингари буюк алломаларга издош бўлишга, Ватанга сидқидилдан хизмат қилиб, ўз билимларини янада мустаҳкамлаб олишга, эл-юртга, ота-онага, оиллага меҳр-муҳаббатли бўлишга ваъда бердилар.

Тадбир доирасида магистрлар рамзий синов дафтарчаси, фонендоскоп ва Ибн Сино жамоат фонди томонидан инглиз тилида яратилган «Касалликлар атласи»ни биринчи босқич талабаларига тўхфа этдилар.

«Касалликлар атласи»нинг инглиз тилида яратилишидан мақсад ушбу халқаро алоқа тилини чуқур ўрганиш, бу тилда мукаммал сўзлаша олишни билиш ва хориж адабиётларидан оқилона фойдаланишдан иборатдир.

Шунингдек, тадбирда «Биз Ибн Сино издошларимиз» деб номланган кўргазмалар, Тиббиёт академияси ҳаётидан тайёрланган стендлар, ўқув ва илмий машғулотларда соғлом турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятлари намоён этилди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

МАДАНИЙ МЕРОСИ САҚЛАШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимиздаги «Dedeman» меҳмонхонасида Ўзбекистонда маданий мерос шакллари сақлаш ва қўллаб-қувватлаш соҳасида олиб борилаётган ишларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида «Маданий турфахиллики ва маданий алмашинувларни тарғиб этиш учун шароитлар яратиш» ҳақидаги 2005 йилги конвенцияси-ни Ўрта Осиё мамлакатларида амалга ошириш мавзусидаги лойиҳаси доирасида ўтказилди.

Давра суҳбатини ўтказишдан мақсад Ўзбекистонда маданият соҳасида фаолият олиб бораётган масъуллар ва кенг жамоатчилик вакиллари эътиборини ЮНЕСКОнинг 2005 йилги «Маданий мерос шакллари сақлаш ва ривожлантириш» ҳақидаги конвенциясидаги мавзуларга қаратиш ва уларнинг мазкур масалалар бўйича фикр-мулоҳазаларини тинглашга йўналтирилди.

Маълумки, ЮНЕСКОнинг маданият соҳасидаги устувор йўналишлари маданий мерос ва номоддий меросни асраш, келажақ авлодга етказиш, маданий турфахиллики тарғиб этиш ҳамда тинчлик маданиятини инсонлар онгига синдириш мақсадида маданиятлараро мулоқотни рағбатлантиришга қаратилган. Шунингдек, ЮНЕСКОнинг энг асосий йўналишларидан бири маданий ва табиий мероснинг барча шакллари аниқлаш, сақлаш ва муҳофиза қилишдан иборат.

Дунё миқёсида маданий ва табиий мерос умумбашарий қадрият деб эътироф этилган ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ҳам ЮНЕСКО ҳамкорлигида маҳаллий мутахассислар малакасини ошириш ва маданий мерос шакллари тиклаш, сақлаш ва ўрганишга бағишланган қатор тадбирлар ташкил этилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг Маданий меросни сақлаш бўйича асосий конвенцияларини ратификация қилган. Ҳозирда Ўзбекистон ҳукумати томонидан 2005 йилги «Маданий мерос шакллари сақлаш ва ривожлантириш» конвенциясини қўриб чиқиш ва келгусида ратификация қилиш бўйича фаолият олиб борилаётир. Бу конвенция 2005 йил 20 октябрда ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган бўлиб, бутун дунёдаги расомлар, маданият ходимлари ва бошқа ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, ўзаро тажриба алмашишлари имконият яратиш мақсадида жорий этилган.

— Мустақиллик даврида миллий маданий мерос шакллари ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга ҳар томонлама қўлай шароит яратилди, — дейди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кафедра мудири, профессор Ўрозали Тошматов. — Хусусан, Наврўз умумхалқ байрами, Мустақиллик байрами тантаналарига бағишланган тадбирларда миллий қадриятларимизга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маданий меросларимизнинг авлоддан-авлодга сақланиб келаётганининг асосий сабаби — халқимиз ўз миллий қадриятлари ва анъаналарини чуқур ҳурмат қиладиган, уларни эъзозлайдиган халқ. Юртимиз тарихидаги мустамлакачилик даврларида мактабларда, жамоатчилик орасида ўзгичмизни ва қадриятларимизни ўрганишга бўлган эътибор чеклаб қўйилган бўлса ҳам бу омилар оилаларда наслдан-наслга, ота-оналардан фарзандларга ўтиб, ривожланиб келган. Ўзбекистон асли маданиятлар туташган чорраҳада жойлашган. Шу сабабдан ҳам биз ўзгичмизни англаб уни ифода этишга ёрдам берадиган мазкур конвенцияга аъзо бўлишимиз керак.

Давра суҳбатиде мамлакатимизнинг мусиқа, тасвирий санъат, кино ва театр каби маданият соҳаси вакиллари-нинг фикр-мулоҳазалари тингланди. Шунингдек, ОАВ ходимларини қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Манзура БЕКЧОНОВА,
«Туркистон-пресс»

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошлангич баҳоси босқичча-босқиччи ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Ўрта-чирик тумани СИБ томонидан 27.03.2013 й. № 1102-сонли ижро ҳужжатиға асосан Тошкент вилояти, Ўрта-чирик тумани, Қумовул к.ф.й., Бектемир ш.оқ.қ.часи, 204-уй. Бошлангич баҳоси 39 375 000 сўм. 2. Чиноз тумани СИБ томонидан 22.07.2011 й. № 11-1128/0506-сонли ижро ҳужжатиға асосан Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Янги Чиноз к.ф.й., Наврўз кўчаси ҳудудида жойлашган бино иншоотлар. Бошлангич баҳоси 54 259 470 сўм. 3. Чиноз тумани СИБ томонидан 17.08.2009 й. № 11-0928/9686-сонли ижро ҳужжатиға асосан Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Чиноз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси ҳудудида жойлашган бино иншоотлар. Бошлангич баҳоси 51 937 290 сўм. 4. Бўстонлик тумани СИБ томонидан 23.08.2012 й. № 1-2908-сонли ижро ҳужжатиға асосан Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Фазалкент шаҳри, Туркистон кўчасида жойлашган дўкон биноси. Бошлангич баҳоси 28 000 000 сўм. 5. Бўстонлик тумани СИБ томонидан 10.07.2012 й. № 1-2916-сонли ижро ҳужжатиға асосан Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Фазалкент шаҳри, У.Носир кўчаси, 50-ўйда жойлашган дўкон биноси. Бошлангич баҳоси 21 883 000 сўм. 6. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 04.11.2011 й. № 55970-71/12-сонли ижро ҳужжатиға асосан Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 36-уй, 16-хонадон. Бошлангич баҳоси 44 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 3 октябр кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидадан) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошлангичига бир иш кунини қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истиғида бўлган талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдоридадан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкиллотчиси — «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖнинг «Ипотека банк» АТБШ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 2020 8000 3049 3605 0001, МФО: 00425, СТИР: 207 125 885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк кунини мобайнида тўлашга тўлаш шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусовд тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Лицензия: РР-0052.

